

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги
Вазирлиги**

Тошкент давлат аграр университети

Зоотехния факултети

“Зоотехния” кафедраси

Бакалавриат 5620600-“Зоотехния” (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши кафедрада
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия этилди. №____ баённома.
Кафедра мудири, доцент

Ғ.Б.Амантурдиев
“ ____ ” _____ 2014 й

Ҳимояга рухсат берилди
Зоотехния факултети декани,
доцент _____ У.Ш.Балласов
“ ____ ” _____ 2014 й

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Бузоқ ва ғунажинларни турли усулда сақлаб боқиш
технологияси**

Бажарди: 4-93 гуруҳ талабаси

Худойкулов Ч.

Илмий раҳбар:

Зоотехния кафедрасининг
доценти, қ.х.ф.н

Холматов А.

Такризчи: Ветеринария кафедраси
доценти

Вохидова Д.

Тошкент 2014 й.

Мунжарижа

Кириш.....	3
I. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	5
1.1.Поданинг тўлдирувчи бузоқларни ўстиришда озиклантириш омилининг аҳамияти	5
1.2. Бузоқларни асраш ва ўстириш.....	15
1.3. Бузоқларни онасидан ажратиб қўлда боқиб ўстириш.....	21
1.4. Пода тўлдирадиган бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологиясига оид экспериментал тадқиқотларнинг натижалари.....	32
1.5. Бузоқларни ўсиш ва ривожланишини назорат қилиш.....	36
1.6. Озуқалар эвазига эт қўшиш.....	44
1.7. Ёш бузоқларни ўстиришга бўлган зоогигиеник талаблар.....	45
Хулоса	48
Амалий таклифлар	49
Фойдаланилган адабиётлар	50

Кириш.

Республикамизда чорвачилик соҳаси жадал ривожланиб, унинг иқтисодий ва ташкилий асослари барқарорлашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 – мартдаги “Шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида ” ги 308 – сонли ва 2008 йил 21 – апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” ги 842 – сонли қарорлари соҳани ривожлантиришда янги истиқбол йўлларини очиб берди ва чорвадорлар учун катта имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз чорвачиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш йўлига ўтилди.

Ўзбекистоннинг барча хўжаликларида 540 – 560 минг тонна гўшт сўйилган вазнда 3300 – 3500 минг тонна сут ва 2,7 – 3,0 миллиард дона тухум етиштирилиши белгилаб берилган.

Бошқача қилиб айтганда 1986 – 1990 йиллар давомида 1985 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш 42, сут етиштириш 55 ва тухум етиштириш 48 фоиз кўпайиши керак.

Республика чорвадорлари олдида қўйилган бу улкан вазифани муваффақиятли ҳал этиш ем – хашак етиштиришни кескин кўпайтиришни, барча молларни озиқ билан етарли даражада таъминлашни, генетика ва селекциянинг замонавий ютуқларидан фойдаланилган ҳолда селекция ишларини яхшилаш сосида мавжуд молларнинг ирсий имкониятларини янада оширишни, подани тўлдиришга мўлжалланган ёш молларни боқиш шароитларини тубдан яхшилашни, чорвачиликда фан – техника тараққиётини жорий этиб, уни индустриал асосда бошқаришни ва ҳамма категориядаги чорвадор ходимларни малакасини оширишни талаб қилади.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг энг асосий шартларидан бири интенсив технологияни жорий этишдир

Бу тадбир, биринчи навбатда йирик ферма ва комплексларда, шунингдек яхши ем – хашак базаси бўлган ҳамда фермалардаги мураккаб ишлар комплекс механизатция зиммасига юклатилган хўжаликларда амалга оширилиши керак.

Бузоқларни жадал суръатлар билан боқиш ҳам Республикамиз чорвачилигини ривожлантиришдаги энг мухим резервлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда республикамизда қорамолларнинг ўртача кунлик семириши 350 г дан ошмаяпти, бу зоотехника нормасидан икки баравар кам. Шу сабабли уруғлантиришда вазни паст сифатсиз моллардан фойдаланилмоқдаки, бу молларнинг махсулдорлигини ва подалар структурасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ҳозир республикамизда ғунажинлар ёши ўрта ҳисобда 31-33 ойлик бўлганда биринчи марта бола бермоқда, бу эса оптимал ёшдан 5-7 ой ортқидир.

Бузоқларни жадал суръатлар билан боқишнинг қанчалик муҳимлиги барча хўжаликлар мисолида тасаввур этиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, фақат юқорида айтилган резервнинг ўзгина ишга солинадиган бўлса ҳамма хўжаликларда ҳам ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 4000 кг дан оширса бўлади.

Чорвачиликда ёш молларни нобуд бўлишини кўпайтириш, молхоналарни микроиклим ҳосил қилишнинг автоматлашган системасини қўллаш ёш моллар организмнинг зарур бўлиб қолган жойларини электр билан иситиш ва нурлантиришнинг табақалаштирилган системасини амалга ошириш, ёш қорамолларни боқиш учун автоматлашган ускуналар комплексларидан фойдаланиш чорвачиликда энг актуал масала ҳисобланади.

Чорвачилик кенг оммаси учун тавсия этиладиган ушбу маслаҳатлар юқорида баён этилган.

I. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

1.1. Поданинг тўлдирувчи бузоқларни ўстиришда озиқлантириш омилининг аҳамияти

Маълумки, бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда ва юқори маҳсулдор сигирлар етиштиришда уларни тўла қимматли озиқлантириш алоҳида ўрин эгллайди.

А.Калашников (1989), К.К.Карибоев ва бошқаларнинг (1993) қайд қилишича, қишлоқ хўжалик хайвонларининг маҳсулдорлик хусусиятларини юзага чиқаришда уларни озиқлантириш асосий омил бўлиб ҳисобланади. Улардан олинадиган гўшт ва сутнинг сифати ҳам бу омилга боғлиқ. Молларнинг кўп йиллар давомида яратилган қимматли хусусиятларини фақатяхши озиқлантириш шароитида сақлаб қолиш мумкин.

Ш.А. Акмалхонов, М. Аширов (1986), И. Хидиров ва бошқалар (1988), У. Н. Носиров, И. Хидиров, К. К. Карибаев ва бошқалар (1989), Т. Х. Икромов, Абдулла Махмуд Али (1990), М. М. Мирхидоятов, Ф.Аблаев (1990), Г. Чохатариди, Л. Икоева, Т. Чохатариди (1991), Ш. Н. Мадрахимов, К. Мадаминов (1992), И. Хидиров, М. Аберкулов (1993) тадқиқотларида бузоқларни тўла қимматли озиқлантириш шароитида мақсадга мувофиқ ўстириш сутбоп подаларни юқори тирик вазнга эга сермахсул сигирлар билан тўлдириш муҳим омил эканлиги аниқланган.

А. И. Овсянников (1945 йил) озиқлантириш меъёри молнинг урчиш хусусиятига таъсир этишини ўрганиш даврида унинг эҳтиёжини тўла

кондириб боқилганда олинган бузоқлар нимжон бўлиб туғилганлигини аниқлади. Уларда яшовчанлик қобиляти паст бўлди.

К. Карибаев (1996), Р. Ҳамроқулов, (1999) хулосаларига кўра, юқори озуклантириш даражаси юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар етиштириш имконини беради. Молларнинг кунлик тўйимли моддаларга бўлган умумий талабини уларнинг ҳаётий фаолиятини сақлаб туриши ва улар организмида маълум миқдорда маҳсулот яратиш учун керак бўладиган тўйимли моддалар билан таъминланиши лозим.

Молларнинг тўйимли моддаларга бўлган талабини кондиришда уларнинг ўсиш даражасини, саломатлигини, насл қолдириш хусусиятларини, ҳаётий фаолият жараёнларини меъёрида сақлаб туриши ва маълум миқдорда организмда маҳсулот яратилиши учун сарфланадиган тўйимли ва биологик фаол моддалар миқдори муҳим аҳамият касб этади.

Е. И. Сакса (2000) фикрича, юқори озуклантириш шароитида ўстирилган ва биринчи оталантиришда юқори тирик вазнга эга таналар туққандан кейин нафақат юқори сут маҳсулдорлигига эга бўладилар, балки улардан ҳаёти давомида ҳам кўплаб миқдорда сут соғиб олинади.

В. И. Волгин, А. С. Бибикова, Л. В. Романенко, Н. Н. Морозовнинг (2000) қайд этишича, сутдан чиққан семизлиги ўрта ва ўртадан паст бўғоз сигирларни шу даврда тирик вазнини 10 – 12 % ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу тадбир эса келгусида нафақат уларнинг сут маҳсулдорлигини оширишга, балки улардан соғлом бузоқ олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Д. С. Тарасовнинг (2005) ёзишича, янги туғилган бузоқлар ҳаётининг биринчи кунлариданоқ тўла қийматли озуклантиришни ташкил этиш лозим. Бунда айниқса уларни витаминлар билан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга.

А. Т. Мысикин (2002) қайд этишича, кейинги 20 – 25 йил давомида дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлигини оширишда эришилган натижаларнинг 50 – 60 % тўла қийматли озуклантириш натижасида эришилди.

Г. А. Симонов, В. А. Сабурин, Ю. В. Коваль ва бошқаларнинг (2005) таъкидлашича, юқори маҳсулдор подалар яратишда бузоқларни туғилган кунлариданоқ тўла қийматли юқори даражада озуклантириб, мақсадга мувофиқ ўстириш энг муҳим тадбирлардан биридир.

И. М. Дунинг, А. И. Прудов, К. К. Аджибеков, Д. Г. Прохоренко (2003) маълумотларига кўра, бузоқларни юқори озуклантириш даражасида ўстириш яхши ривожланган 570 – 600 кг тирик вазнга эга, III ва ундан юқори лактацияларда 5327 кг ва ундан юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар етиштириш имконини берган.

П. Н. Прохоренконинг (2003) ёзишича, бузоқларни юқори озуклантириш даражасида жадал ўстириш юқори маҳсулдор подалар яратишда энг муҳим усуллардан биридир.

Л. Г. Лазаревич, В. А. Радченко (2003) маълумотларига кўра, сигирларни тўла қийматли яхши даражада озуклантиришни ташкил этиш

улардан туғилган бузоқларнинг тирик вазнини 11,7 – 15,7 % га ошириш имконини берган.

С. Лебедев, А. Мирошников (2005) тадқиқотларидан юқори озуклантириш даражаси нафақат бузоқларнинг тирик вазнини ошириш, балки уларни ўстиришни иқтисодий самарадорлигини ҳам ошириш имконини берган.

Г. Симонов (2005) тадқиқотларида жадал усулда ўстирилган сигирларнинг тирик вазни ўртача 547 кг ни ташкил этиб, улар юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлганлар. Шунга ўхшаш натижалар Р. Габдуалиева (2005) тадқиқотларида ҳам олинган.

Г. Н. Чохатариди (1990) тадқиқотларида юқори озуклантириш даражасида ўстирилган қора – ола зотли бузоқлар кейинчалик I – лактацияси мобайнида ўртача озуклантириш шароитида ўстирилган тенгқурларига нисбатан 333 кг, III лактацияга бориб эса 620 кг сут маҳсулдорлигига эга бўлганлар.

Н. Ю. Черенко, Д. К. Некрасов, Н. В. Киселев (1990) тадқиқотларида жадал усулда ўстирилган бузоқлар биринчи марта 23,1 – 26,7 ойлигида туғиб, уларнинг лактация мобайнидаги сут маҳсулдорлиги 28,6 – 33,4 ойлигида туққан сигирларникидан 9,0 – 18,3 %, сут ёғи чиқими 7,9 – 17,6 % юқори бўлган.

Подани тўлдирувчи бузоқларни барча ўстириш даврида тўла қийматли озуклантириш юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар етиштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бузоқларни сут ичиш даврида

айниқса қаймоғи олинмаган сут миқдорини камайтириш ҳатто кейинги ўстириш давларида кучайтирилган озуклантириш шароити ташкил этилса ҳам ўстирилган сизирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишни кўп ҳолларда таъминламайди.

Буни Д. Г. Гвазова (1993) тадқиқотлари натижалари ҳам тасдиқлайди. Муаллиф тадқиқотларида қора – ола зотли бузоқларни сут ичиш даврида қаймоғи олинмаган сут билан меъёр даражасида таъминлаб, уларни туғилгандан оталантириш давригача меъёрга нисбатан 10 – 15 % озуклантириш даражасини ошириб озуклантириш улар тирик вазнини 13 – 14 ойлигида ўртача 356,7 кг га етказиш ва оталантириш имкониятини берган. Уларнинг биринчи туғишда тирик вазни 498 кг га ва сут маҳсулдорлиги ўртача 4632 кг га баробар бўлган ва бу кўрсаткичлар ўртача озуклантириш шароитида ўстирилган тенгқурлариникидан тегишли равишда 21 – 31 кг ва 296 – 535 кг юқори бўлган.

В.И.Кваша , Н.Е.Василишин (1992) тадқиқотларида ҳам подани тўлдирувчи бузоқларни тўла қимматли озуклантириш шароитида ўстиришнинг муҳимлиги таъкидланади. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, бузоқларни назоратдаги тенгқурларига нисбатан 14,2-27,8% юқори озуклантириш даражасида ўстириш ва барча ўсиш давларида яхши шароитда асраш нафқат яхши ривожланган, балки соғлам молларни етиштириш имкониятини берган ва улар туққандан кейин лактадцияда юқори сут маҳсулдорлигига эга сизирларни ўстиришни таъминлаган ҳамда улар озукани сут билан яхши даражада қоплаш хусусиятларига эга бўлган.

Ш.Н.Мадрахимов, К.Мадаминов, Р.Булышев (1993) хулосаларига кўра, бузоқларни ҳаётининг биринчи кунлариданоқ жадал ўстириш уларни биринчи қочиришдаги ёшини қисқартириш имконини беради, ўстиришга сарфланган ҳаражатларни тежаш ва уларни қоплаш, наслчилик ишини яхшилашни таъминлаб, юқори сут маҳсулдорлигига эга сигирлар билан подаларни таъминлаш имкониятини кенгайтиради.

Д.К.Некрасов (1992) тадқиқотларида юқори озиклантириш шароитида жадал ўстирилган қора – ола зотли сигирлар биринчи марта 22 – 23 ойлигида туққанлар ва уларнинг туғишдан олдинги тирик вазни 550 кг ни ва туққандан кейин 500 кг ни ташкил этган, улар яхши пуштдорлик хусусиятларига ҳамда юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлганлар. Бундай эрта ёшда туққан сигирлардан фойдаланиш самарадорлиги улардан кеч туққан сигирларникидан 1,5 – 2 марта юқори бўлган.

А. Вяских (1991), В. М. Дзоблаев, Г. Г. Махаринец (1991), А. Кайдалов, З. Архипова (1991) хулосаларининг кўрсатишича, подани тўлдирувчи бузоқларни юқори озуклантириш даражасида жадал ўстириш, айниқса бунда улар рационига кўпроқ ҳажмдор ўсимлик озукаларини киритиш яхши ривожланган танага эга сермахсул сигирлар етиштириш имкониятини кенгайтиради.

Н. В. Пилюк (2001), Е. Ю. Савальева (2002), Н. Климова (2004) хулосаларига кўра, қорамолларнинг маҳсулдорлик даражаси кўп жиҳатдан озукалар сифатига ҳам боғлиқдир. Паст сифатли озукалардан фойдаланиш сут ишлаб чиқаришга кетадиган ҳаражатларни 20 – 25 % гача кўпайтиради.

В. Кваша, Н. Е. Василишин, В. П. Кривонос (1990) тадқиқотларида ҳам голштинлаштирилган бузоқларни тўла қийматли озуклантириш шароити улардан I лактация мобайнида 3930 – 4165 кг сут маҳсулдорлигини олиш имконини берган.

К. М. Солнцев (1990) фикрига кўра, юқори маҳсулдор сигирлар етиштиришда озуклантириш даражаси билан бирга озукалар сифати ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сифатсиз озукалар нафақат маҳсулдорликни таъминлайди, балки ёш моллар организмнинг чидамлилигини пасайтириб, турли касалликларга тез чалинишига ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун озук сарфини ошишига сабаб бўлади.

А. С. Козлов, А. И. Гришков (2003) тадқиқотлари натижаларининг кўрсатишича, бузоқларни ўсиш, ривожланишига ва кейинчалик сут маҳсулдорлигининг шаклланишига озукаларнинг сифати катта таъсир кўрсатади, бунда II синфга мансуб озукаларнинг маҳсулдорликка таъсири 20 – 25%, III синфга таллуқли озукаларнинг эса таъсири 50 % кам бўлади.

Р. Шундулаев, Н. Савенко (2004) хулосаларига қараганда, бузоқларни туғилгандан улар кейинчалик туғишигача бўлган давр мобайнида ҳажмдор, кам омухтадан иборат мувофиқлаштирилган рационларда ўстириш уларни ўсиш, ривожланишини жадаллигига ва кейинги сут маҳсулдорлигига салбий таъсир этмайди ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

В. И. Волгин, А. С. Бибикова, Л. В. Романенко, Н. Н. Морозовларнинг (2000) ёзишича, молларни паст сифатли озукалар билан

озуқлантириш уларнинг генетик имкониятлари даражасидан фойдаланишни 65 -75 % дан оширмайди ва маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган озуқа сарфини 20 – 25 % га оширади.

Бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда ва улардан юқори тирик вазнга эришишда энг асосий омил – бу озуқлантириш омили бўлиб ҳисобланади деган ҳулосага А.А.Менькова (2003), Г.В.Полковников, Н.В.Андреева, А.Н.Ратошный (2005), С.В.Мошкина (2006) ҳам келганлар.

С. Л. Гридина (2005) фикрига кўра, қора – ола зотли бузоқларни ўстириш даражаси уларни 17 -18 ойлигида 380 – 400 кг тирик вазн билан қочирилишини таъминлаши лозим.

И. И. Сергеев (2005) ҳулосаларига кўра, подани тўлдирувчи бузоқларни жадал усулда ўстириш лозим, бунда улар нафақат асосий подага 2 ёшида киради, балки ҳаёти мобайнида юқори сут маҳсулдорлигига ҳам эга бўлиб, улардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлади.

Г.С.Шарафутдинов (2000) тадқиқотларида бузоқларни озуқлантириш даражасини 20 % г ошириш уларни қочириш ёшини назоратга нисбатан 2 ойга қисқартириш, 16 ойлигида тирик вазнини 34,1 кг юқори ва улар туққандан кейин I лактация мобайнида сут маҳсулдорлигини 208,3 кг юқори бўлишини таъминлаган.

Б. Х. Галиевнинг (2002) тадқиқотларида бузоқлар жадал озуқлантирилганда, уларнинг биринчи қочиришдаги ёши 15 – 25 кунга қисқарган.

Н. Н. Горбачёва, А. Ф. Крисанов (2002) тадқиқотларида тўла қийматли озуклантириш натижасида сигирлар лактациясининг дастлабки уч ойи мобайнида сут маҳсулдорлиги 2143 кг ни ташкил этган. Бунда ушбу кўрсаткич асосан тўла қийматли озуклантиришга ва озукалар таркибидаги тўйимли моддаларни ўзлаштириш даражасига боғлиқлиги аниқланган.

Н. И. Иванованинг (2003) фикрига кўра, подани тўлдирувчи бузоқларни юқори озуклантириш даражасида ўстириш уларни тирик вазнини 17 – 18 ойлигида 400 – 420 кг га етишини таъминлайди ва улар кейинчалик юқори сут маҳсулдорлигига эга бўладилар.

В. Н. Кургузкин, Б. Л. Чугай (2003) фикрларига кўра, бузоқлар рационидида дағал хашаклар 25 – 30 % ни, ширали озукалар 50 – 55 % ни ва омухта озукалар 20 – 25 % ни ўстириш ташкил этилса, маҳсулдор сигирларни етиштириш мумкин.

Д. Г. Гвазава (2003) тадқиқотларида қора – ола зотли бузоқларни туғилгандан 14 ойлигигача 10 – 15 % ва кейинчалик ғунажинлик даврида 20 – 25 % меъёридан юқори озуклантириш шароитида ўстириш уларни ўсиш, ривожланишини жадал кечишини, озукаларни тўйимли моддаларини яхши ўзлаштиришини ва юқори тирик вазнга эга молларни етиштириш имконини берган.

Г. В. Казеевнинг (2005) маълумотларига кўра, тўйимли озуклантириш даражасида ўстирилган таналар яхши пуштдорлик хусусиятларига эга бўладилар.

С. П. Москаленко, А. П. Коробов (2005) хулосаларининг кўрсатишича, бузоқларни ўсиш, ривожланиши озуклантириш даражаси билан бир қаторда озукаларнинг сифатига ва тўйимлилигига ҳам боғлиқдир. Шунга ўхшаш хулосаларга Е. П. Вашекин (2006) ҳам келган.

А. Г. Козанков, А. С. Шахов (2000), Т. М. Свиридова, Г. Б. Радионов (2002), И. С. Шалатонов (2005), В. Димов, Л. Ефимова (2005) хулоса қилишларича, моллар маҳсулдорлигини тўлиқ юзага чиқаришда озукаларнинг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Р. А. Шундуллаев, Н. П. Буряков, Э.Э. Темирсултанов (2003) хулосаларига кўра, озукалар сифати ва тўла қийматли озуклантиришни ташкил этиш юқори ўсиш, ривожланиш кўрсаткичларига эга соғлом бузоқларни ўстиришда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунга ўхшаш хулосалар Н. И. Стрекозов, Г. П. Легошин (2003), В. А. Сечин, С. В. Стеновский, А. С. Стеновский (2003) фикрларида ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, подани тўлдирувчи бузоқларни мақсадга мувофиқ ўстиришда ва сутбоп подаларни яхши ривожланган, юқори маҳсулдор сигирлар билан таъминлашда тўла қийматли озуклантиришни ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу билан бирга озукаларнинг сифати тўйимлилиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

1.2. Бузоқларни асраш ва ўстириш.

Келгусида сермахсул подаларни вужудга келтиришда ёш молларни соғлом вояга етказиш катта аҳамият касб этади. Шундай экан, ёш бузоқларни ўстиришда саралаш ва ҳиллаш билан биргаликда боқишни ҳам шундай ташкил этиш керакки, келгусида мермахсул моллар подаси вужудга келсин.

Ёш моллар туғилган кунидан бошлаб яхши шароитда боқилиши керак. Агар дастлабки боқиш шароити ёмон бўлса, кейинги даврларда улар ҳар қандай шароитга ўтказилганда ҳам яхши ўсиб ривожланмайди. Бинобарин, бузоқларни ўстиришда уларнинг зоти ва шу зотнинг қандай маҳсулот беришига қараб туғилган кунидан бошлаб йўналтирилган ҳолда боқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёш бузоқларни ўстириш амалда икки даврга бўлинади:

а) бузоқларни сут ичиш даврида боқиш; б) сутдан чиққандан сўнг боқиш.

Бузоқларнинг сут ичиш даври қорамолчилик хўжаликларининг қайси маҳсулот бўйича ихтисослаштирилганлигига қараб 3 ёки 6 ой давом этади. Сут – товар маҳсулоти бўйича ихтисослаштирилган фермалардаги бузоқлар туғилгандан сўнг 3 ой, наслчилик хўжаликларида 6 ой сут билан боқилади. Сут ичиш даврида бузоқлар уч ҳил усул билан ўстирилади: а) бузоқ туғилгандан сўнг, уни онаси олдида қолдириш, эмизиб ўстириш; б) онасидан ажратиб олиб, қўлда сут бериб ўстириш; в) бир гуруҳ бузоқни

бир эмизик сигирга бириктириб, уни эмизиб ўстириш. Бу усулларнинг биринчиси ҳозирги даврда хўжалик фермаларида деярли фойдаланилмайди. Биринчи усул асосан маҳаллий - абориген молларнинг бузоқларини ўстиришдагина илгаридан қўлланиб келинган. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё республикаларининг зебусимон моллар урчитиладиган зоналарида бузоқ ўстиришда ҳали ҳам шу усулдан фойдаланилади.

Жамоа ва давлат хўжаликларидаги моллар такомиллаштирилиши, маҳаллий каммахсул моллар зотдор моллар билан алмаштирила бориши бузоқ ўстиришдаги биринчи усулнинг сиқиб чиқарилишига сабаб бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бузоқларни иккинчи ва учинчи усуллар бўйича боқиш кенг авж олган.

Бузоқларда сут даврида озуқаларда қанд ва ёғни назорат қилиб бориш керак. 3 ойликкача озуқалар таркибида клетчатка 6 – 12 %, 4 – 6 ойликда 16 – 18% бўлиши, рационнинг қуруқ моддасида қанд 15 – 16,5 ва 8 – 9,5% бўлиши талаб этилади. Ёғ эса 1 ойликда 24,1 фоиздан 6 ойликда 5,4 фоизгача камайтиради.

Бузоқларда минерал моддаларга талаб юқори бўлади. Уларнинг етишмаслиги ўсиш ва ривожланишга салбий таъсир кўрсатиб, модда алмашинуви бузилиши ва суяк касалликларига сабаб бўлади. 1 ОБ га 6 – 8г кальций, 4 – 6г фосфор ва 3 – 6 г ош тузи тўғри келади. Витаминлар билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. 6 ойликкача бузоқларнинг 1 кг тирик вазнига 400 ХБ витамин ва 154 мг атрофида Е витамини берилади.

Бузоқлар фермер хўжалигида фақатгина қаймоғи олинмаган сут билан боқилса 2 – 3 ойгача бериш керак. Агарда қаймоғи олинмаган ва қаймоғи олинган (оброт) билан боқилганда қаймоғи олинмаган сут 1,5 – 2 ойгача, обрат эса 4 – 5 ойгача ичирилади.

2 – декада (11 кундан) бузоқлар сифатли беда пичани ейишга ўргатилади. 3 ойликда 1,3 кг га 6 ойликда 3,5 кг га етказилади.

2 – декададан бошлаб ош тузи, бўр, преципитат, озуқа фосфатидлари берилади. 15 кунлигидан ем ейишга ўргатила бошланади.

2 – 3 декадаларда дон ёрмаси (сули, арпа, буғдой) 100 – 400 г берилади.

4 – декада (31 кундан) қаймоғи олинган (обрат) бера бошланади, дастлаб камроқ, кейинги декадаларда кўпайтирилади. Шу пайтда унга тенг ҳолда қаймоғи олинмаган сут камайтирилади.

4 ойга бориб бузоққа 1 кеча кундузда 1,6 кг ем берилади.

Сут даврининг биринчи ойида махсус стартёр омихта еми берилади. Унинг таркибида қуйидаги озуқалар: - қобиқсиз арпа - 51,5, қуруқ сут – 18,0, шрот – 14,0, озуқа ачитқилари – 5, ўт талқони – 4,0, қанд – 4,0, фторсиз фосфат

ёки суяк уни – 0,65, бўр – 1,35, ош тузи – 0,5, премикс – 1 кг омихта емда 1,26 ЭОБ ва 180 г хазмланувчи протеин мавжуд.

1 ойликдан 6 ойликкача бузоқларга саноат томонидан КК – 62 омихта еми чиқарилади, унинг таркиби донлар, кепак, оқсилли

кўшимчалар, шрот, ўт талқони, минерал кўшимчалар ва премикс П – 62 – 1 дан иборат.

5 – декадада бузоқлар силос ва сенаж ейишга ўргатилади. 3 ойлигида 1,5 кг, 6 ойлигида 7 килограммгача берилади. Ёз фаслида бузоқларни озуклантириш схемасига пичан, силос, сенаж, илдизмевалар ўрнига кўк ўт кўшилади. Уни ейиш 2 – декададан бошланади, 3 ойлигида 7; 6 – ойлигида 20 кг кўк ўт бериш мумкин.

Келажакда подани тўлдириш учун ўстириладиган ёш бузоқлар сут ичиш даврида (1 – 3 ойлигида) 360 – 400 килограммдан кам бўлмаган миқдорда қаймоқли сут ичишини таъминлаш лозим. Уларни ёшлигидан сифатли озуқалар билан, айниқса беда пичани билан кўпроқ озуклантириб бориш зарур.

Бузоқларни ўсиш даврида тирик вазнини зот андозаси талабларига мос келишини таъминлаш ва 18 – 20 ойлигида таналарни тирик вазнини 350 – 400 килограммга етказиб қочиришни амалга ошириш муҳим ҳисобланади

Бузоқлар 15 кун давомида туғруқ бўлими таркибидаги профилакторийда сақланади ва она сути билан озуклантирилади.

Ҳазм бўлиш жараёнини яхшилаш учун бузоқларга 1 – 2 кунлигидан бошлаб қайнатилган сувни (30°C ҳароратгача) кўпи билан 1 – 1,5 л берилади. 5 кунлигидан кейин ҳоҳлаганича ичишлари мумкин. Сувни оғиз сути ичирилгандан кейин 0,5 – 1 соат ўтгач бериш лозим. Бузоқларга 10 кунлигидан беда пичани ва ем берилади.

1- жадвал

Профилактика уйчаларида бузоқларни 60 кунлигига қадар озуклантириш схемаси (кг)

Ёши, кун	Қиш фасли					Ёз фасли				
	Сут	Пичан	Омихта ем	Беда пичани	Туз	Сут	Пичан дамламаси	Омихта ем	Қўк озуқа	Туз
2 - 10	5	Ўргатиш	Ўргатиш	Ўргатиш	Ўргатиш	5	0,5	Ўргатиш	Ўргатиш	Ўргатиш
11 - 20	7	0,5	-	-	-	7	0,57	0,5	0,2	Таъбига кўра
21 - 30	7	0,5	0,4	0,5	-	7	0,5	0,2	0,4	-
31 - 40	6	1,0	0,4	0,7	-	6	1,0	0,3	0,6	-
41 - 50	6	1,0	0,5	0,8	-	6	1,0	0,4	0,8	-
51 - 60	5	1,0	0,6	1,5	-	5	1,5	0,5	1,2	-
58 кунда	360	40	19	35	-	360	45	14	30	-

1.3. Бузоқларни онасидан ажратиб қўлда боқиб ўстириш.

Бу усулда бузоқ ўстирилганда уни ўз онасининг оғиз сутига тўйдириш катта аҳамиятга эга.

Оғиз сути бир кунда 3 – 4 марта ичирилиши керак ва ҳар сафар 1.5 – 2 л миқдорда берилиши мумкин. Кейинчалик бузоқнинг умумий ривожланишига қараб оғиз сутининг меъёри кунига 1 литрдан ошишини таъминлаш лозим. Оғиз сути ҳар сафар ҳам бузоққа сигир соғилгандан сўнг дарҳол илиқ ҳолда берилади. Заиф ва кичик туғилган бузоқларга эса оғиз сути оз меъёردа тез – тез бериб турилади. Бундай тартибда ичирилган сут бузоқ организмида яхши ҳазм бўлади. Шунингдек, бузоқнинг заифлиги туфайли ҳосил бўлиши мумкин бўлган меъда ва ичак касалликларининг олди олинади.

Бузоқларнинг туғилганидан сўнгги бешинчи кундан бошлаб то бир ойлик бўлганига қадар қайнатилган ва илиқ сув бериб турилади. Бир ойдан кейин эса уларга қайнамаган сув ичириш мумкин.

Бузоқларга туғилгандан сўнгги биринчи уч ҳафта давомида фақат онасининг сутидан, кейинчалик эса аралаш сут бериб боқиш керак. Уларни 6 ҳафталик бўлганига қадар қаймоғи олинмаган сут билан озуклантирилиб, сўнггра сут аста – секин обрат билан алмаштирила борилади. 2 – 3 ойлик бўлганидан сўнг уларнинг озук рационидан қаймоғи олинмаган сут бутунлай олиб ташланади.

Сут билан озуклантириш муддатининг давомийлигига қараб бузоқларга эмиш даврида ҳаммаси бўлиб 200 – 500 кг гача қаймоғи олинмаган сут ва 200 – 800 кг атрофида обрат берилади.

Бу даврда бузоқларни озуклантириш маҳсус сут эмизиш схемасига асосан амалга оширилади. Схемалар эса бузоқнинг ҳар кунига маълум миқдорда ўсиб боришини ҳисобга олиб тузилган бўлади.

Схема бўйича боқилаётган бузоқларнинг минерал моддаларга витамин ва микроэлементларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириб бориш учун берилаётган озук таркибида шу моддалар қанчалиги текшириб чиқилади. Агар озук таркибидаги моддалар бузоқ эҳтиёжини тўлиқ қондира олиш даражасида бўлмаса, у ҳолда схемадаги озукларга қўшимча қилиб сули уни, трикальцийфосфат, бўр, витамин препаратлари, антибиотик ва биостимуляторлар киритилиши лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бузоқ зотига ва шу зот қандай маҳсулдорлиги бўйича машҳур эканлигига қараб, мақсадга мувофиқ ўстирилади. Яъни йўналтирилган ҳолда ривож топиши тайинланади. Шунга кўра бузоқларни боқиш схемаси ҳам ҳар зотга алоҳида тузилади. Масалан, серсут зот қорамол бузоқларига тузилган боқиш схемасида уларнинг озук моддаларга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни ҳисобга олган ҳолда уларни ёшлик давридан бошлаб озукқа талабчан қилиб ўстириш кўзда тутилади.

Одатда серсут зот қорамолларнинг қорин қисми гавдасига нисбатан катта, ошқозон ва бошқа ҳазм қилиш аъзолари катта ҳажмли бўлади. Шу боисдан озукқа эҳтиёж ҳам кўп. Уларнинг бу хусусиятлари сўзсиз ёшлик давридан бошлаб ривожлантириб борилиши керак.

Бузоқларни қанчалик ёш давридан бошлаб лавлаги, картошка, силос ва дағал хашак билан боқилса, уларнинг озук ҳазм қилиш аъзоларининг фаолияти шунчалик эрта бошланади, бундан ташқари, унда озукни кўп ҳазм қила олиш хусусияти вужудга келади. Бундай хусусиятларнинг ёшликдан ривожланиб бориши эса келгусида серсут мол етишиб чиқишига асос бўлади.

Ёш моллар рационидида уларнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур бўлган тўйимли озук ва минерал моддалар, микроэлементлар, витаминлар етарли миқдорда бўлиши лозим. Рацион ширали озуклар (силос, илдизмевали озуклар), дағал хашаклар ва тўйинтирилган емлардан ташкил топган бўлиши керак. Бу озуклар тегишли меъёр билан берилади. Жумладан, ҳар бир молга кунига 3 – 4 кг дағал озуклар, 0,3 – 1 кг тўйинтирилган емлар ҳамда 7 – 10 кг атрофида сифатли силос берилиши мақсадга мувофиқдир. Сифатли дағал хашаклар захираси оз бўлган хўжаликларда молларга берилаётган хашакнинг 40 % ини похол ёки сомон билан алмаштириш мумкин. Қишлоқ озук захираси кўп бўлган хўжаликларда эса ёш молларга пичан ва силосни истаганча бериш яхши натижа беради.

Қишда букача ва ғунажинлар алоҳида гуруҳларда махсус бузоқхоналарда боғланиб асралади. Бузоқхоналар мустаҳкам қурилган, барча зооветеринария қоидаларига жавоб бера оладиган бўлиши керак.

Ёзда бузоқлар алоҳида ажратилган яйловларда асралади. Яйловнинг моллар ётиши учун ажратилган қисмига енгил бостирмалар қурилиб, шу ерда қўшимча моддалар, зарур бўлса тўйинтирилган емлар бериш учун охурлар ўрнатилган бўлиши лозим.

Бузоқларни сутдан ажратилгандан сўнг боқишнинг тўғри ташкил этилганлигини текшириб бориш учун ҳар бир бузоқнинг ўсишини, тирик вазнининг ортишини назорат қилиб бориш керак. Бу, биринчидан бузоқларнинг тўғри ўсиб ривожланаётганини текширишга имкон берса, иккинчидан, ёш молларни бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди.

Сутдан ажратилган бузоқлар тўғри озук меъёрлар асосида боқилмаса, уларнинг кунлик ўсиши эмадиган давридаги кунлик ўсишидан 100 – 200 г атрофида кам бўлиши мумкин, яъни кунлик ўсиши ёш моллар билан бир меъёрда боради. Агар моллар ёшлигидан яхши парвариш қилинмаса, улар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиб, қочириш ёшида тегишли тирик вазнда қочирилмай қолиши мумкин. Натижада қочириш муддати кечикиб кетади. Бундай молларни боқишга ортиқча харажат қилишга тўғри келади. Бу эса хўжалик иқтисодига салбий таъсир кўрсатади.

Бузоқларни озуклантириш хўжаликда қабул қилинган кун тартибига қатъий риоя қилинган ҳолда олиб борилади. Бузоқларга сут ва сув тоза идишларда ичирилади. Ҳар сафар сут ичиришдан олдин идишларни қайнаб турган сув билан чайиш керак.

Олдин айтганимиздек, бузоқларни сифатли пичанга эрта ўргатиш уларни меъда олди бўлимларининг фаолиятини яхшилайти ва бундай бузоқларда 20 – 25 кунлигидаёқ мунтазам кавш қайтариш жараёни намоён бўлади. 1,5 – 2 ойлигида эса кавш қайтариш учун 4,5 соат вақт сарф қиладилар.

Коцентрат озукага ҳам барвақт ўрганиш керак. 7 – 10 кунлигидан бошлаб коцентрат озукаларни авваллари сутга аралаштирилиб кейинчалик эса уларни қуруқ ҳолда ҳам берса бўлаверади. Яхши коцентрат озукa омихта ем ҳисобланади. Агар омихта ем бўлмаса хўжаликнинг ўзида турли емлардан аралашма тузилади. Унинг таркибига қобиғидан тозаланган сули ёрмаси, майда буғдой кепаги, буғдой ва маккажўхори уни, зиғир ёки кунгабоқар кунжараси ёки шроти, ўт уни, ачитқилар, ёғи олинган сут талқони, қон, балиқ, гўшт – суяк унлари, минерал қўшимчалар қўшилади. Соф сут ичиришдан ёғи олинган сутга эрта ўтказилган бузоқларда А, Д, Е ва К витаминларига муҳтожлик сезилади. Чунки ёғи олинган сутда сувда эрийдиган витаминлар бор, лекин ёғда эрийдиган витаминлар эса ёғ таркибида ажратиб

олинган бўлади. Шунинг учун емлар аралашмасига бу витаминларнинг препаратларидан қўшиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бу омехта озукани 20 – 25 кунлигида 100 – 150 г берилса, 3 ойлигига келиб 1,2 – 1,6 кг га етказилади.

Илдизмеваларни едиришга 21 кунлигидан бошлаб ўргата бошлаш керак ва иккинчи ойнинг охириги декадасида 0,5 – 0,8 кг ва 3 ойнинг охирига келиб 1,5 кг га етказиш мумкин.

Унчалик нордон бўлмаган силосга 50 – 60 кунликдан ўргата бошлаш керак. 7 – 8 – 9 декадаларда кунлик силос едиришни мос равишда 0,5 – 1,0 – 1,5 кг га етказиш мумкин.

Серсув озукалар рационнинг биологик тўйимлилигини оширади, озукა ҳазм бўлишини яхшилайти. Силоснинг бир қисмини тўйимлиги бўйича яхши сифатли сенаж билан алмаштириш мумкин.

Баҳор ва ёз ойларида туғилган бузоқларни парваришладда 10 – 15 кунлигидан кўк ўт истеъмол қилишга ўргатилади. Кўк ўт едириш миқдорини 2 ойлигида 3 – 4 кг, 4 ойлигида 10 – 12 кг ва 6 ойлигида эса 18 – 20 кг га етказиш мумкин. Кўк ўт едиришига эрта ўтказиш ҳам пичан сингари меъда олди бўлимларнинг ривожланишига, у ерларда яшайдиган инфузорлар ва бошқа микроорганизмларнинг жадал ўсишига ёрдам беради. Фермага яқин жойларда ёш бузоқлар учун алоҳида яйлов ташкил қилинса бу ҳар тарафлама яхшидир. Бунда 10 – 15 кунлик бузоқлар ичига 1 – 1,5 ойлик соғлом бузоқни қўшиб қўйилса улар тезроқ кўк ейишга ўрганадилар.

2- жадвал

**16 ойлигида тирик вазни 380 кг келадиган букалар ўстириш учун 6 ойгача бўлган ёш молларни озуклантириш
схемаси(молхонада бўлган давр)**

Ёши		Тирик вазни давр охирида кг	Кунига берилади, кг						Минерал қўшимчалар, г	
Ой	10 кунлик		Сут		Пичан	Силос	Илдиз мевали	Омихта	Ош тузи	Преципитат
			Соф сут	Ёғсиз сут						
I	1 -чи		7	-	Ўргатиш	-	-	-	-	-
	2 -чи		7	-	-	-	-	-	5	5
	3-чи	53	7	-	-	-	-	0.1	5	10
1 – чи ойда			210	-	-	-	-	1.0	100	150
II	4 -чи		7	-	0.2	-	-	0.2	10	10
	5 -чи		4	4	0.3	-	-	0.5	10	10
	6-чи		-	8	0.5	-	-	0.8	10	10
2 – ойда		74	110	120	10.0	-	-	15.0	300	300
III	7 -чи		-	8	0.6	-	0.2	1.0	10	15
	8 -чи		-	8	0.8	-	0.3	1.1	10	15
	9-чи	95	-	8	1.1	-	0.5	1.1	10	15
3 - ойда			-	240	25.0	-	10	32.0	300	450
IV	10- чи		-	6	1.2	-	1	1.3	15	15
	11- чи		-	6	1.3	0.5	1	1.4	15	15
	12 –чи	116	-	6	1.5	1.0	1	1.4	15	15
4 - ойда			-	180	40.0	15.0	30	41.0	450	450
V	13 -чи		-	4	2.0	1.0	1	1.6	15	20
	14 – чи		-	2	2.5	1.5	1	1.8	15	20
	15 – чи	138	-	-	2.5	2.0	1	1.8	15	20

5 - ойда			-	60	70.0	45	30	52	450	600
VI	16 – чи		-	-	2.5	3	3	1.8	20	20
	17 – чи		-	-	3.0	5	1	1.8	20	20
	18 – чи	160	-	-	3.0	6	1	1.8	20	20
6 - ойда			-	-	85	140	50	54	600	600
Жами 6 ойда			320	600	230	200	120	195	2200	2550

3 - жадвал

16 ойлигида тирик вазни 380 кг келадиган буқалар ўстириш учун 6 ойгача бўлган ёш молларни озуклантириш схемаси (ёз даврида)

Ёши		Тирик вазни давр охирида, кг	Кунига берилади, кг				Минерал кўшимчалар, г	
Ой	10 кунлик		Сут		Кўк озиклар	Омихта емлар		
			Соф сут	Ёғсиз сут			Ош тузи	Преципитат
I	1 -чи		7					
	2 -чи		7				5	5
	3-чи		7			0,1	5	10
1 – ойда		53	210			1.0	100	150
II	4 -чи		7		0.2	0.2	10	10
	5 -чи		4	4	0.5	0.5	10	10
	6-чи	74	-	8	1.5	0.8	10	10
2 – ойда			110	120	22.0	15.0	300	300
III	7 -чи		-	8	1.7	1.0	10	15
	8 -чи	95		8	2.0	1.1	10	15

	9-чи			8	2.3	1.1	10	15
3 - ойда				240	60.0	32.0	300	450
IV	10- чи			6	3.3	1.4	15	15
	11- чи	116		6	3.9	1.4	15	15
	12 –чи			6	5.6	1.4	15	15
4 - ойда				180	128.0	42.0	450	450
V	13 -чи			4	7.2	1.5	15	20
	14 – чи	138		2	10	1.5	15	20
	15 – чи			-	14	1.5	15	20
5 - ойда				60	312	45.0	450	600
VI	16 – чи				13	1.6	20	20
	17 – чи	160			13.5	1.6	20	20
	18 – чи				14	1.6	20	20
6 - ойда					405	48.0	600	600
Жами 6 ойда			320	600	927	183	2200	2550

Силосни эквиваленти тенг миқдордаги сунъий сутга (ЗЦМ) алмаштириши мумкин.

Силосни тўйимлилигига мос равишда қисман сенажга алмаштириш мумкин.

Ёш молларнинг озукларга бўлган йиллик эҳтиёжининг ўсиш режаси туғилгандан кейин 1 ёшгача ва 1 ёшдан 2 ёшгача ҳамда 2 ёшдан ошган ғунажинларнинг йиллик озуклантириш нормаларига асосланади. 1 ёшгача бўлган бузоқларнинг озукларга бўлган йиллик эҳтиёжи озуклантириш схемасига асосан қанча озук бирлиги, алмашинувчи энергия ва ҳазм қилувчи протеин, ёғи олинган ёки олинмаган сут ҳамда сунъий сут (ЗЦМ) миқдorigа қараб аниқланади. Кейин 6 ойгача бўлган бузоқларни озуклантириш схемасига ва 6 – 12 ойлик бузоқларга тузилган рационларга асосан ҳар бир бош учун кунлик бериладиган дағал, ширали ва кўк концентратлар миқдorigа (қиш фаслида молхонада бўлган даври) ва (ёзда яйловда бўлган даври) бошқа тадбирлар ҳам ҳисобга олинади.

4 - жадвал

**Бузоқларни 6 ойлигигача молхонада бўлган даврида озуклантириш
схемаси. Тирик вазни давр охирида 155 кг.**

Ойлар	Пичан	Силос	Илдизмевалар
1	ўргатиш	ўргатиш	ўргатиш
2	0,2 0,3 0,5 } 10	ўргатиш	0,2 0,3 0,5 } 10
3	0,7 1,0 1,3 } 30	0,5 1,0 1,5 } 30	0,5 1,0 1,5 } 30
4	1,5 1,5 1,5 } 45	2,0 2,0 3,0 } 70	1,5 1,5 1,5 } 45
5	2,0 2,5 3,0 } 75	3,0 4,0 5,0 } 120	1,5 1,5 1,5 } 45
6	3,0 3,5 3,0 } 95	5,0 6,0 7,0 } 180	1,0 1,0 1,0 } 30
Жами	255	400	160

1.4. Пода тўлдирадиган бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологиясига оид экспериментал тадқиқотларнинг натижалари.

Саноат негизида сут етиштириш шароитларида подабоп бузоқ ва ғунажинлар ўстириш технологияси катта ўрин тутди. Ихтисослаштирилган хўжаликларда энг рационал технологияни қўллай бориб, кейинчалик максимал даражада сут бера оладиган подабоп таначалар ва ғунажинларни муваффақиятли равишда кўплаб ўстириш мумкин. Бироқ ҳозирги вақтда мамлакатнинг турли зоналаридаги ихтисослаштирилган хўжаликларда подабоп моллар ўстиришнинг ҳар хил технологияси қўлланмоқда. Айрим хўжаликлардаги танача ва ғунажинлар ўстириш технологияси саноат негизида сут етиштириш технологияси талабларига тўла – тўқис жавоб бермаяпти. Шу боисдан айтиш вақтда юқори даражада маҳсулдор ғунажинлар ўстиришнинг энг рационал технологиясини излаш ишлари ҳамма жойда олиб борилмоқда.

Шу муносабат билан сут ичириш даврида турли усулларда парвариш қилиш йўли билан подабоп таначаларни ўстириш, ривожлантириш ва кейинчалик маҳсулдор моллар ҳосил қилиш тадбирлари ўрганилди. Муаллифлар тадқиқотларни Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Чинобод-Мирахмедов Шухрат” фермер хўжалигида олиб боришган. Тажриба учун қора – ола зотга мансуб 10 – 20 кунлик таначалардан аналоглар бўйича 15 бошдан учта гуруҳ ажратиб олинди. Тажрибадаги

барча учта гурухнинг таначалари бир боқилди. Тез етиладиган моллар олиш мақсадида таначалар оширилган даражада озуклантирилди.

3 ойликкача ёшдаги таначаларни парвариш усулларидаги тафовут куйидагича бўлди: ихтисослаштирилган хўжаликка келтирилгандан кейин I гурухдаги таначалар 15 кун давомида якка катакларда парвариш қилинди, сўнгра гурухли катакка ўтказилди, II – гурухдагилар фақат гурухли катакда ва III гурухдагиларни 3 ойлик ёшигача тор гарбатли катакнинг катталиги: узунлиги 120 см, эни 45 см ва баландлиги 100 см. Катакларнинг поли тахтадан қилинган тўшамасиз.

Ёғи олинмаган сут 50 кун, ёғи олингани эса 90 кун ичирилади. Таначалар 3 ойлик ёшигача пичан, силос ва концентрат озукалар билан гурухли охурчалардан, III гурух таначалари эса якка охурлардан озуклантирилди. Ундан кейинги ёшлардаги таначалар қишда ҳам, ёзда ҳам гурухли охурчалардан икки маҳал боқилди, бунда молларни тегишли ёшига қараб муайян меъёрларда озуклантиришга риоя этилди.

Сут ичириш даврида барча гурухлардаги ҳар бош таначага 300 граммдан ёғи олинмаган ва 400 граммдан ёғи олинган сут ичирилди. I гурухдаги ҳар бош таначага туғилганидан 24 ойлик ёшигача 3717, II гурухдагига 3769 ва III гурухдагига 3733 озук бирлиги ҳамда шунга мувофиқ равишда 551,6; 557,9 ва 553,8 килограммдан ҳазмланадиган протеин сарфланди.

Кўриниб турибдики, тажриба гурухларидаги таначалар бир хил озуклантирилган бўлишига қарамай, озукларни турлича истеъмол қилган.

II гуруҳ таначалари озуклардан жуда яхши фойдаланди ва уларнинг озук бирлиги бўйича озуклантириш даражаси 24 ойлик ёшигача, I ва III гуруҳлардаги молларга нисбатан 52 ва 36 озук бирлиги юқори бўлди.

Умуман барча гуруҳлардаги таналар 24 ойликкача асосан ўсимликли озуклар ҳисобига ўстирилди, бу эса серсут моллар ўстиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қора – ола зотга тавсиф.

Қора –ола зотли сигирлар Россияда маҳаллий зотни голланд зот билан чатиштириш натижасида яратилган. 1959 йилда зот деб тасдиқланган.

Мамлакатимизда турли худудларда кўпайтириладиган жайдари молларни голланд зоти ва ундан олинган моллар билан чатиштириш натижасида қора – ола зот вужудга келган. Молларнинг ранги қора – ола бўлиб, куракларидаги оқ белбоғ унинг ўзига хос белгисидир. Молларнинг гавда тузилиши айнан серсутлик белгиларини ўзида мужассамлаштирган, яъни елини катта, бақувват суякли, териси юпқа эластик, чуқур кўкракли, гавдаси бирмунча чўзиқ мутаносиб равишда ривожланган бўлади.

Юқори даражада серсутлилиги, боқишнинг саноат технологиясига уйғунлашганлиги, иқлимга яхши мослашиши ва гўшт сифатлари ҳам яхши бўлгани туфайли мамлакатимизда бу зотдаги моллар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу зот моллар бош сони жиҳатидан мамлакатда сименталь ва қизил чўл зотидан кейин учунчи ўринда туради. Ҳозирги вақтда хўжаликларда қизил чўл зоти сигирлар 118 минг бошдан ошади.

Қора – ола сигирлар нихоятда юксак маҳсулдорлиги билан ажралиб туради.турли худудларда рекортчи сигирлардан лактация давомида 10 – 12 минг килограммдан кўп сут соғилади. Масалан, зотли говмиш сигирлардан рекорд даражада сут соғилган. Э. Ю. Карчевскийнинг маълумотларига кўра “ Чиноз ” наслчилик заводида “ Челка ” лақабли сигирдан бешинчи

лактацияда 10518 кг (ёғдорлиги 3,8%), “ Лина ” лақабли сигирдан эса олтинчи лактацияда 8960 кг (ёғдорлиги 3,7 %) сут соғилган.

Қора – ола зотнинг таначалари интенсив ўстирилганда ўсишнинг юқори энергиясини намоён қилади, озук эвазига яхши эт қўшади, гавда тузилиши айнан серсутлик белгиларига мос келади ва туққандан кейин анча кўп сут беради.

1.5. Бузоқларни ўсиш ва ривожланишини назорат қилиш.

Хўжаликлардаги бузоқларнинг ўсишини назорат қилиб туриш катта аҳамиятга эга. Чунки бу бузоқларнинг ўсишини текшириб бориш билан бирга уларнинг тирик вазни қайси ёшда қанча бўлиши мумкинлигини аввалдан режалаштиришга, шунингдек озуклантириш схемаси асосида берилаётган меъёрлар улар эҳтиёжининг қанчалик қондираётганини кузатиб боришга имкон беради. Назорат қилиш ишларини олиб бориш учун янги туғилган ҳар бир бузоққа маълум бир лақаб қўйилади ва инвентар рақам билан тамғаланади, яъни эн солинади.

Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини ҳисобот қилиш учун уларни ҳар ойда тарозига тортиб борилади ва тирик вазнининг ўзгаришига қараб, уларнинг назорат давридаги мутлоқ ўсиши, ўртача кунлик ўсиши ва нисбий ўсиши аниқланади.

Бузоқнинг назорат давридаги мутлоқ ўсиш вазнини аниқлаш учун унинг охирги тортишдаги тирик вазнидан илгариги тортишдаги вазни олиб

ташланади. Қолган рақам бузоқнинг назорат давридаги мутлоқ ўсишини кўрсатади.

Ҳисобот қуйидаги формула бўйича ўтказилади:

$$A = Wt - W_0$$

Мутлоқ ўсиш вазнининг кўрсаткичларига асосланиб бузоқнинг кунлик ўртача ўсиши ҳам аниқланади. Бунинг учун назорат давридаги мутлоқ ўсиш вазни назорат давридаги кунлар сонига (т) бўлинади. Олинган рақам бузоқнинг ўртача кунлик ўсишини кўрсатади.

Ҳисобот қуйидаги формула бўйича олиб борилади:

$$K = \frac{Wt - W_0}{t} ;$$

Ҳисобот бўйича олинган рақамлар илгаридан мўлжалланган кўрсаткичларга тўғри келмай қолса, бузоқларни асраш шароитларини, озук меъёрларини ёки рациондаги озукларнинг таркибини ҳоҳлаганча ўзгартириб, мол организмнинг ўсишини мақсадга мувофиқ йўналишга қаратиш мумкин.

Бундан ташқари, ёш молларнинг ўсишини ҳисобот қилиш, уларни боқадиган ишчиларга иш ҳақи тўлаш ва уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга имкон беради.

Маълумки, ҳозир чорвачилик тармоқлари жадаллаштирилиб, саноат негизида ишлашга ўтказилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда йирик чорвачилик комплекслари ташкил этилган.

Қўлланиладиган ўстириш технологияси самарадорлигини характерлайдиган асосий кўрсаткичлардан бири молларни тирик вазнини ўзгаришидир.

Тана ўсган сайин тирик вазнининг ўзгариши у ёки бу жусса типига ҳамда мол зотига хос характерли хусусиятга эга бўлди ва хўжалик жиҳатидан қимматлилигини ифодалайдиган кўрсаткич сифатида, хизмат қилади. Ана шу хусусиятлар ҳамда тирик вазннинг пировард кўрсаткичлари унинг ирсий нишонларига боғлиқ бўлади.

Жадвалда кўриниб турганидек, барча гуруҳлардаги таначаларнинг ўртача вазни туғилганида ва тажрибага қўйилганида деярли бир хил бўлганди. 1 ойлик ёшида танача гуруҳлари ўртасида тирик вазни бўйича айтарли фарқ бўлмади. Бироқ, 2 ойлик ёшидаёқ III гуруҳ таначалари I гуруҳдаги тенгдошларидан 1,76 фоиз, II гуруҳдагилар 3,55 фоиз ортда қолди, III гуруҳдаги 3 ойлик таначалар тирик вазни бўйича I ва II гуруҳдаги тенгдошларидан, шунга мувофиқ равишда, 6,6 кг ёки 7,0 фоиз га ва 9,3 кг ёки 9,4 фоизга орқада қолди.

Шундай қилиб сут ичириш даврида I ва II гуруҳдаги таначалар нисбатан яхши, III гуруҳдагилар - ёмон ўсди ва ривожланди. Бунинг боиси шундаки, бу гуруҳлардаги таначалар ихтисослаштирилган хўжаликка келтирилган дастлабки кунданок актив ҳаракатда бўлиб, охурчаларга ҳам эркин равишда келаверди, натижада уларнинг иштаҳаси очилиб кетди, бу эса таначаларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бузоқларнинг тирик вазни динамикаси. кг

Ой ҳисобидаги ёши	Гуруҳлар		
	I	II	III
	M±t	M±t	M±t
Туғилганида	31,1± 0,36	31,6 ± 0,33	31,1 ± 0,33
Тажрибага қўйилганида	41,4 ± 0,46	40,7 ± 0,81	41,3 ± 0,73
1	53,0 ± 0,68	53,6 ± 0,47	53,0 ± 0,46
2	74,8 ± 0,65	76,2 ± 0,50	73,5 ± 0,84
3	97,0 ± 1,28	99,7 ± 1,04	90,4 ± 1,44
6	163,0 ± 2,16	167,8 ± 1,92	155,0 ± 1,92
9	223,1 ± 2,39	226,8 ± 2,03	216,2 ± 2,31
12	275,9 ± 2,61	280,5 ± 2,35	269,1 ± 2,17
15	338,0 ± 2,28	343,0 ± 1,97	333,0 ± 2,07
18	376,0 ± 2,95	380,5 ± 2,25	370,8 ± 2,15
1 -туғишида	456,1 ± 3,14	463,2 ± 3,22	448,6 ± 3,07

Бузоқларни ўстиришда моционнинг роли эса бекиёсдир. Шу муносабат билан А. П. Онегов, И. Ф. Храбустовский, В. И. Черних бундай ёзишади: моцион қўлланмаса моллар бўшашиб, кам ҳаракат бўлиб қолади, организмдаги газ ва моддалар алмашинуви пасаяди, умумий бардошлилик сусаяди; аксари иштаҳа, озуқалардан фойдаланиш самарадорлиги камаяди, бунинг оқибатида моллар юқори маҳсулдорлик сифатларини юзага келтирмайди.

Уларнинг тажрибасида сут ичириш даврида гуруҳли станокларда парвариш қилинган қизил чўл зотига мансуб таначалар уч ойлик ёшида 98,3 кг тор гарбатли катакларда боқилганлари эса 90,1 кг келган.

Тадқиқотчилар таначаларни катакларда боқиш усули мол организмнинг зоотехникавий ва физиологик талабларига жавоб бера олмайди, деган хулосага келишди.

Шу тариқа, бизнинг тадқиқотчиларимиз ва бошқа муаллифлар ишининг таҳлили кўрсатганидек, сут ичириш даврида бузоқларни гурухли катакларда ўстириш, тор гарбатли якка катакларда тутишга қараганда анча катта афзалликларга эгадир. Бузоқлар катакларда гурухлаб боқилганда улар тор гарбатли якка катаклардагига нисбатан энг кўп вазнга етади ва бундан ташқари, уларнинг ўсимлик ва концентрат озуқалардан бемалол фойдалана олиши мўлжалдаги ўртача кунлик эт қўшилиши учун зарур шарт – шароит вужудга келтиради.

II гурухдаги бузоқларнинг 4 ойлик ёшидаги тирик вазни, уларнинг сутдан ажратилган даврга яхши тайёрланганлигидан далолат беради. II гурухдаги бузоқлар бу ёшида тирик вазни бўйича I ва III гурухлардаги тенгдошларидан шунга мувофиқ равишда 5,0 ва 12,4 кг га ўзиб кетишди.

Ўзбекистон шароитида подабоп бузоқлар парваришlash системасида молларни ёз фаслида жазирама офтоб тиғидан асраш кўзда тутилмоғи лозим. Бунга қуёш тик келган соатларда молларни сояга ёки бинога олиш йўли билан эришилади.

Ана шу мулоҳазаларни кўзда тутиб, сут ичириш давридан кейин 4 – ойидан эътиборан таначалар соф ҳаводаги бостирмали айвонларда гурухли катакларда парвариш қилинди. Бунда ёз шароитида боқишга II гурухдаги таначалар тезроқ мослашгани аниқланди. Улар I ва III гурухдаги

таначаларга қараганда, ёзги шароитнинг дастлабки куниданоқ берилган озукаларни яхши ея бошлашди ва пировардида кўк озукларни кўпроқ истеъмол қилишди.

III гуруҳдаги бузоқлар бундай боқиш шароитига бирмунча қийинлик билан кўникди. Улар охурларга сийрак ёндашишди, хийла узоқ ётишди, ўринларидан қийналиб туришди, хийла эринчоқ кўринишарди, охурларда кўплаб нушхўрт қолдиришди ва шу тариқа дастлабки ёзги парваришlashга қийинчилик билан мослашишди. Афтидан, бу ҳол бир жиҳатдан шу билан изоҳланадики, тор гарбатли якка катакларда узоқ ётавериш бузоқларни заифлаштиради ва эрта ёшида кескин чекланган ҳаракат шароитида оёқлар машқланмай қолади ва улар оқибатида сут ичиришдан кейинги даврга яхши тайёрланмайди. Шунинг учун ҳам III гуруҳдаги бузоқларнинг янги муҳит шароитларига мосланиши I ва II гуруҳдагиларга қараганда анча қийинчилик билан кечди. Буларнинг барчаси сут ичириш давридан кейинги дастлабки ойларда тирик вазн кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмай қўймайди, албатта. Масалан, III гуруҳнинг 6 ойлик бузоқлари тирик вазн жиҳатидан I ва II гуруҳдаги тенгдошларидан шунга мувофиқ равишда 8,0 ва 11,4 килограммга, 9 ойлигида – 6,9 ва 10,6 кг, 12 ойлигида – 6,8 ва 11,4 кг, 15 ойлигида – 5,0 – 10,0 кг, 18 ойлигида – 5,2 ва 9,7 килограммга ортда қолди.

Кўриниб турибдики, III гуруҳнинг таначалари то болалашигача ўсиш ва ривожланиш, тирик вазн бўйича I ва II гуруҳдаги моллардан орқада қолди.

Шундай қилиб, оширилган даражада озуклантиришнинг қора – ола зотга мансуб подабоп таначаларининг Ўзбекистоннинг иссиқ иқлимли шароитларида ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш борасида олган маълумотларимиз шундай хулосага келиш имконини берадики, оширилган даражада озуклантирилганда таначалар 15 – 16 ойлик ёшга борганда анча интенсив ривожланади ва биринчи муносиб уруғлантириш учун зарур вазнга етади.

Ёш бузоқлар рационига озукавий антибиотиклар қўшилганда модда алмашинувининг яхшиланишига, сарфланган озукларнинг кўпроқ наф келтиришига, улар организмнинг касалликларга чидамли бўлишига ёрдам беради. Натижада бузоқлар яхши ўсади, касалга чалиниш ҳоллари камаяди.

Ёш бузоқларни тўғри озуклантириб, яхши жойларда сақланганда антибиотикларнинг оқилона қўлланилиши 1 кг ўсишга сарф бўладиган озуклар ҳамда уни таннархи пасаяди. Озукавий антибиотиклар бузоқлар сут оладиган даврда қўлланилганда эса ёш моллар ўсишининг 12 – 18 фоиз ортиши ва 1 кг семиришига сарф бўладиган озукларнинг 6 – 10 фоизга қисқаришини кўрсатди.

Мамлакатимиз чорвачилигида саноатда ишлаб чиқариладиган икки антибиотик: бацитрацин (бацилихин – 10, бацилихин – 20, бацилихин - 30) ва гризин (кормогризин – 5, кормогризин – 10, кормогризин - 40) қўлланилади. Бу препаратлар таркибига антибиотиклардан ташқари яна биологик актив моддалари бор ферментланиш маҳсулотлари ҳам киради. Антибиотиклар омихта ем, премикслар, оксилли – витаминлар

аралашмалар ва сунъий сутга қўшиб, ёш бузоқлар рационига киритилади. Бузоқларга бериладиган сунъий сутнинг 1 тоннасига 50 г бацитрацин, 5 г гризин; премикслар 1 тоннасига 6000 г бацитрациннинг тоза моддаси ва 750 г гризин қўшилади. Таркибида озукавий антибиотиклари бор премиксларнинг 10 кгги 1 тонна омехта емга аралаштирилади.

Ёш молларнинг озукларга бўлган йиллик эҳтиёжининг ўсиш режаси туғилгандан кейин 1 ёшгача ва 1 ёшдан 2 ёшгача ҳамда 2 ёшдан ошган ғунажинларнинг йиллик озуклантириш меъёрларига асосланади. 1 ёшгача бўлган бузоқларнинг озукларга бўлган йиллик эҳтиёжи озуклантириш схемасига асосан қанча озук бирлиги, алмашинувчи энергия ва ҳазм қилувчи протеин, ёғи олинган ёки ёғи олинмаган сут ҳамда сунъий сут миқдориغا қараб аниқланади. Кейин 6 ойгача бўлган бузоқларни озуклантириш схемасига ва 6 – 12 ойлик бузоқларга тузилган рационларга асосан ҳар бир бош учун кунлик бериладиган дағал, ширали ва кўк концентратлар миқдориغا (қиш фаслида молхонада бўлган даври) ва (ёзда яйловда бўлган даври) бошқа тадбирлар ҳам ҳисобга олинади.

1.6. Озуқалар эвазига эт қўшиш.

Бузоқ ўстиришда ҳар 1 кг эт қўшилишига кетадиган озук сарфини камайтириш, озуклар эвазига яхши эт қўшиш – асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Бизнинг тажрибамизда 3 ойликкача II гуруҳдаги таначалар озуклар эвазига яхши, III гуруҳдагилар эса нисбатан ёмон эт қўшди, III гуруҳнинг таначаларида ҳар 1 кг эт қўшилишига I ва II гуруҳдагиларга қараганда, 9,13 фоиз ва 11,46 фоиз кўп озук бирлиги сарфланди. I ва II гуруҳлардаги тенгдошларига нисбатан 8,64 фоиз ва 11,26 фоиз кўп ҳазмланадиган протеин сарф қилинди. Бу шундан далолат берадики, яйратмаган ҳолда тор гарбатли катакда узоқ вақт боқилиши оқибатида таначалар тўйимли озук моддаларидан, гуруҳлаб боқилганларга қараганда ёмон фойдаланилди.

Умуман, туғилганидан 24 ойлик бўлгунга қадар III гуруҳдаги таначалар ҳар 1 кг эт қўшилишига, I ва II гуруҳдагиларга таққослаганда шунга мувофиқ равишда 2,28 фоиз ва 2,31 фоиз ҳамда 2,4 фоиз ва 2,63 фоиз ортиқ озук бирлиги ва ҳазмланадиган протеин сарфлади.

Молларнинг ёши ортган сайин 1 кг эт қўшишга кетадиган озук сарфи кўпаяверади, лекин гуруҳлар ўртасида баъзи тафовутлар бўлиши мумкин. Бу молнинг ёши ошган сайин, ўсиш интенсивлиги ҳам пасайиши билан изоҳланса керак.

1.7. Ёш бузоқларни ўстиришга бўлган зоогигиеник талаблар.

Бузоқнинг соғлом ривожланишини таъминлашни ҳомилалигиданоқ бошлаш, яъни бўғоз сигирларни зоогигиена талабларига жавоб берадиган шароитда боқиш ва парваришlash керак. Янги туғилган бузоқлар ташқи муҳит шароитига мослашмаган, организмларининг ташқи таъсиротларига жавоб бериш реакцияси унча ривожланмаган, ҳар хил касалликларга берилувчан бўлади, шунинг учун уларга кўпроқ эътибор бериш керак. Ёш бузоқларнинг ичак шиллиқ пардаси ҳали шилимшиқлар билан қопланмаган бўлиб, организмга шимиладиган моддаларни ушлаб қолиш қобилияти паст бўлади, натижада қонга захарли моддалар бевосита шимилиб, организмни захарлаши мумкин. Ошқозон – ичак безлари, овқат ҳазм қилишда иштирок этадиган ферментлар, айниқса кислотани кам ажратади, бу бактерицид хусусиятига эга бўлиб микробларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ёш бузоқлар қонида гамма глобулин, айниқса иммун таначалар жуда оз бўлади. Организмга бу моддалар оғиз сути билан киради.

Янги туғилган бузоқлар ташқи муҳит – ҳарорат ва намлик ўзгаришига мослашмаган, уларда иссиқликни бошқариш, ошқозон – ичак системасининг секретор хусусияти ва функцияси етарли ривожланмаган бўлиб, ёш молларни турли касалликларга тез берилувчанлигига ҳамда нобуд бўлишига сабаб бўлади. Гигиена талабларига риоя қилмаслик натижасида уларнинг турли касалликларга тез чалиниши ва нобуд бўлиши кузатилади.

Оғиз (увуз) сути – янги туғилган бузоқлар учун жуда қимматли озук ҳисобланади. Чунки унинг таркибида организм учун зарур бўлган озук моддалар, оқсиллар, шунингдек казеин, альбумин, айниқса глобулинлар, минерал ва витаминлар кўп миқдорда бўлади. Булар организмнинг иммунлик ва бактерицидлик даражасини оширади. Шунинг учун оғиз сути организмда ошқозон – ичак системасидаги камчилигини қоплашда аҳамияти катта.

Бузоқларга сунъий сут ёки оғиз сути беришда маълум режим ва коидаларга риоя қилиш зарур. Бериладиган сут тоза ва янги, ҳарорати камида 35 – 37⁰ дан паст бўлмаслиги керак. Биринчи ҳафта давомида бузоқларга жуда оз миқдорда маълум порцияларда сут бериш лозим. Оғиз бўшлиғига жуда оз миқдорда тушадиган сут порциялари сўлак билан яхши аралашиб, бевосита ширдон қоринга тушади. Ошқозон шираси, таъсирида сутдан қотма ҳосил бўлиб, парчаланиб, организмга шимилади. Агар шундай порциядаги сут идишга солиниб, бузоқларга ичирилса, улар кўп – кўп ҳўплаб, сутнинг бир қисми катта қоринга тушади, қолган қисми эса сўлак билан яхши аралашмаган ҳолда ширдон қоринга тушади, қаттиқ, тез ҳазм бўлмайдиган масса ҳосил бўлиб, парчаланмасдан, шимилмасдан қолади, натижада организмда овқат ҳазм бўлиши бузилади – диспепция касаллиги келиб чиқади. (А. П. Онегов, А. М. Колесов, П. Т. Лебедев, В. К. Чернуха ва бошқалар). Шунинг учун янги туғилган бузоқлар биринчи порция сутни 40 – 60 дақиқадан кейин олиши керак. Бир кунда бир марта ичишига 1 – 1,5 л сут берилади, бузоқлар кунига 5 – 6 марта озуклантирилади.

Хўжаликнинг йўналишига қараб бузоқларни ўстириш учун турли схемалардаги оғиз сути, СЎБ рецептлари қўлланилади. Насл учун қолдиришга ва серсут сигир қилиб ўстиришга ҳамда бўрдоқига боқишга мўлжалланган бузоқларга бир йилда ўртача 200 – 250 кг сут ва 400 – 600 кг ёғи олинган сут берилади. Наслли буқачалар учун бу миқдорни 20 – 30 фоиз кўпайтириш тавсия қилинади. Ўртача кунлик ўсишни 100 граммгача етказиш мўлжалланса, 6 ой давомида 200 – 300 кг гача сут ва 500 – 630 кг ёғи олинган сут ва бунга қўшимча равишда омихта емлар, пичан, илдизмевали озуклар, силос, минерал моддалар ва микроэлементлар бериш керак.

Бузоқларни 10 кунлигидан дағал озукларга ўргатиш, 4 – 7 кунлигидан то 3 ҳафталик бўлгунча қайнатиб совутилган сув бериш, кейинчалик тоза сув бериш лозим. Бузоқларни профилакториядан

бузоқхоналарга ўтказгандан кейин ҳар хил сизирлардан соғиб олинган сутларни бериш мумкин. 20 – 25 кунлигидан бошлаб уларнинг рационига беда уни қўшилади, 2 ойлик бўлганидан кейин омехта ем берилади. Илдизмевали озуклар 45 – 60 кунлигидан бошлаб, силос эса 4 ойлигидан бошлаб берила борилади. Бузоқларни тўғри озуклантириш билан бирга уларни парваришlashга катта эътибор бериш, яъни 10 кунлигидан бошлаб яйраш майдончаларига чиқариб туриш лозим.

Ёз пайтларида бузоқлар ёзги лагерларда ёки ярим очик бостирмаларда боқилади.

Х У Л О С А.

Сут ичириш даврида I ва II гуруҳдаги таначалар нисбатан яхши, III гуруҳдагилар - ёмон ўсди ва ривожланди. Бунинг боиси шундаки, бу гуруҳлардаги таначалар ихтисослаштирилган хўжаликка келтирилган дастлабки кунданок актив ҳаракатда бўлиб, охурчаларга ҳам эркин равишда келаверди, натижада уларнинг иштаҳаси очилиб кетди, бу эса таначаларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хулосаларнинг кўрсатишича, бузоқларни ўсиш, ривожланиши озуклантириш даражаси билан бир қаторда озукаларнинг сифатига ва тўйимлилигига ҳам боғлиқдир.

ТАКЛИФЛАР.

Бузоқларни сут ичиш даврида айниқса қаймоғи олинмаган сут миқдорини камайтириш ҳатто кейинги ўстириш давларида кучайтирилган озуклантириш шароити ташкил этилса, ўстирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишни таъминлаш мумкин.

Янги туғилган бузоқлар ташқи муҳит шароитига мослашмаган, организмларининг ташқи таъсиротларига жавоб бериш реакцияси унча ривожланмаган, ҳар хил касалликларга берилувчан бўлади, шунинг учун зоогигиеник талабларга ыатъий эътибор бериш керак.

Подани тўлдирувчи ғунажинларни мақсадга мувофиқ яхши шароитда ўстиришда ва сутбоп подаларни яхши ривожланган, юқори маҳсулдор сигирлар билан таъминлашда тўла қийматли озуклантиришни ташкил этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида ” ги 2006 йил 23 март 308 – сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида ” ги 2008 йил 21 апрел 842 – сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004 – 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” ги 2003 йил 27 октябр ПФ – 3342 – сонли фармони.
4. И. А. Каримов – “Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Тошкент – 2009 йил.
5. И. А. Каримов – “Ўзбекистон ислохотларини чуқурлаштириш йўлида” Тошкент – 1996 йил.
6. И. А. Каримов – наслчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент – 1998 йил.
7. Фермер хўжаликлари тўғрисида. Деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги давлат қонунлари. Тошкент – 1998 йил.
8. Чорвачиликда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қуватлаш тадбир – чоралари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг IV – 96 қарори. Тошкент – 24 сентябр 1995 йил.
9. А. П. Калашников Қорамолчиликда озуқа нормалари ва рационлари. Тошкент – “Меҳнат” 1988 йил.
10. И. Мақсудов. Қорамолчилик фермер хўжаликлари учун қўлланма. Самарқанд 2008 йил.

11. У. Н. Носиров. Қорамолчилик . Тошкент – 2001 йил.
12. Й. Сунакулов. Ҳайвонлар гигиенаси ва ветеринария – санитария асослари. Тошкент – 1988 йил.
13. К. Карибаев. Ем – хашак тайёрлаш технологияси. Тошкент – 1990 йил.
14. Ш. Акмалхонов. Бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологияси. Тошкент – 1986 йил.
15. И. Мақсудов. “Қорамолчилик фермер хўжалигида қайси зотни урчитган маъқул ” (Зооветеринария ж – ли № 12. 2005й 44 – 45 бет).
16. Ш. Маматов. Зооветеринария ж – ли 2008 йил 9 – сон. “Бузоқларни парваришлаш”.
17. Е. А. Петухова. Практикум по кормлению с / х животным. М. 1990г.
18. К. Б. Свечин. Индивидуальное развитие с/х животным. Киев – 1961г.
19. И. Турсунов. “Бузоқларни соғлом парваришлаймиз”. Зооветеринария журнали 2008 йил № 12.
20. Р. Хаитов. “Соғлом бузоқ олишда нималарга эътибор бериш керак”. Зооветеринария журнали №8 2008 йил.
21. Р. Хамроқулов, К. Карибаев. “Қишлоқ хўжалик хайвонларини озуклантириш ” Тошкент – 1999 йил.
22. Шарафутдинов Г.С. Продуктивные качества холмогорских коров при повышении уровня кормления // Зоотехния – 2000. - № 4.- С. 16-17.
23. Хидиров И., Аберкулов М. Мероприятия по увеличению молочной продуктивности коров-первотелок // Труды УзНИИЖ, Т. – 1993. - С. 183.